## ● ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН

# ЧОРВАДОР ҚАДРИ

БИЗ журналистлар вазифамиз тақозоси билан жуда кўп хўжаликларнинг чорвачилик фермаларида, комплексларида бўламиз. Мутахассислар, соғувчилар, молбоқарлар билан суҳбатлашамиз. Бу суҳбатларнинг аксарияти бир-бирига ўхшаш савол-жавоблардан иборат бўлади: «Нечта сигирингиз бор?», «Гўшт, сут сотиш планлари бажариладими?», «Бу йил қанча сут соғиб олмоқчисиз?» ва ҳоказо. Ўз ўрнида бу саволларга жавоб олинади. Гап инсон тўғрисида, чорвадор ҳақида бораётган ҳозирги пайтда бундай иш услуби тўғрими? Инсоф билан айтганда, тўғри эмас. Биз доим рақамлар, планлар, меҳнат тўғрисида сўраб, ёзамиз. Бироқ моддий бойлик яратаётган кишиларни унутар эканмиз. Ҳозир одамлар қандай ҳаёт кечираяпти? Улар ўз меҳнатидан ва кундалик турмушидан қониқиш ҳосил қилаяптими? Оиласи тинчми?

Гапнинг очиғини айганда, уларни «тонгни кутиб олувчилар», «фидокорлар» деб улуғлаймиз-у, ички оламига кириб бормаймиз. Тан олиш керак. Фермалар, комплекслар йилдан-йилга механизациялаштирилмоқда. Аммо чорвадорлар, соғувчилар асосий ишни бундан ўн-ўн беш йил илгари қандай бажарган бўлсалар, шундайлигича ишлашмоқда.

...Мен яқинда Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз фермасида бўлдим. Буни қаранг-ки, соғувчилар сигирларга бериладиган озуқани орқалаб ташиб келишарди. Уларнинг эгни-бошига қараб, ачиниб кетдим. Агар сигирлар кунда уч маҳал соғилишини, уч марта қоп орқалаб, молга емиш ташиган аёлларнинг меҳнатини рақамларга чақадиган бўлсак, 25—30 та сигирни соғадиган киши кунига ўртача 500 килограмм (ярим тонна!) юкни ферманинг у бошидан бу бошидаги бинога ташиб келтиради. Уни яна орқалаб, сигирларнинг охурига бўлиб чиқишади. Бу осонми? Бундай фактни областимиздаги истаган районда ёхуд хўжаликда учратиш мумкин.

Бундан бир неча йил муқаддам машҳур чорвадор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Чудная билан ёш чорвадорларнинг учрашувида иштирок этган эдим. Ўшанда Анастасия Ивановна шундай деганди: «Сиз нима деб ўйлайсиз, соғувчининг қандай кайфият билан иш бошлаши сигирлар маҳсулдорлигига таъсир қиладими? Буни қаранг-ки, таъсири катта экан. Мен кўп йиллик иш тажрибамдан бунга ишонч ҳосил қилдим. Негаки, биз жонли нарса билан муомала қиламиз. Сизнинг кайфиятингиз бир зумда унга ҳам ўтади. Агар бирон нарсадан хафа бўлсангиз, сигир ҳам безовталанади. Қорамол, айниқса, сигир жуда сезгир бўлади. Мана, мендан кўпинча муваффақиятларимнинг сирини сўрашади. Аслида унда ҳеч қандай сир йўқ. Гап жониворлар билан «тил» топишишда. Билсангиз, мен улар билан суҳбатлашаман. Силаб-сийпайман, емиш бераман. Шунга яраша улар ҳам мени сийлашади, мўл, серқаймоқ сут беришади. Улар ёнига ҳамиша яхши кайфият билан бориш керак».

У нақадар ҳақ гапни айтган эди ўшанда. Лекин биз кўп жойда бу сўзларга амал қилмаяпмиз. Чунки, аввало, одамлар кайфиятини кўтара олмаяпмиз.

Тасаввур қилинг. Соғин бошлангунча орқалаб ем ташиб ҳориб, чарчаган соғувчи яхши кайфият билан иш бошлай оладими? Афсуски, йўқ. Демак, мана шунинг ўзидаёқ қанча-қанча маҳсулот йўқотилмоқда.

Бунга яна бир жонли мисол. Газетамизда Ғалаба районидаги Киров номли колхозда чорвачиликнинг оқсаётганлиги бир ярим йил давомида уч марта танқид қилинди. Унга тегишли ташкилотлардан расмий жавоблар олинди. Лекин аҳвол ўзгармади. Аҳвол шу даражага бориб етдики, колхоз фермасида қўнимсизлик авж олди. Ҳатто мавжуд сигирларни соғиб олиш учун четдан одам ёлланди. Хўш, шу аҳволда чорвачиликни ривожлантириб бўладими?! Йўқ, албатта. Колхозда чорвадор кадрларнинг қўнимсизлигига нима сабаб бўлмоқда? Бунинг жавоби аниқ. Фермада одамларнинг нормал ишлашлари учун оддий шароит ҳам яратилмаган. Шундай бўлгач, «кайфият» ҳақида қандай гап бўлиши мумкин...

Янглишмасам, 15—20 йилдан буён ёшларнинг қишлоқда қолмаётганлиги ҳақида қайта-қайта гапирилмоқда. Бу ҳақда ёзиш расмга ҳам айланиб қолди. Айниқса, чорвачиликда ҳамон ишчи кучи тансиқ бўлиб бормоқда. Соғувчилар етишмаяпти. Нега? Нима учун ёшлар бу касбни исташмаяпти? Бу ҳам юқорида таъкидлаганимиздек, газета-журналларда кўп ёзилмоқда, радио-телевидениеда айтилмоқда. Лекин, афтидан, биз масаланинг туб моҳияти ҳақида лом-лим демаяпмиз.

Бир куни Оржоникидзе районидаги «Красний водопад» экспериментал базаси сут соғувчи оператори Ризо Суюнов билан суҳбатлашиб қолдик. У шундай деди: «Биласизми, бизда ҳамон гап кўп-у, иш оз. Ёшларга ғамхўрлик қилиш тўғрисида чорвадорларнинг йиғинларида, слётларда, партия ташкилотларининг катта анжуманларида қайта-қайта таъкидланади. Аҳволни тузатиш юзасидан тадбирлар белгиланади. Белгиланади-ю, унутилади. Фермаларда, комплекслардаги вазият қандай бўлса, шундайлигича қолаверади. Ана шундан кейин фермага ким ҳам келади дейсиз».

Ризо ҳақ эди. Ҳақиқатан ҳам ҳамон гап кўп-у, иш оз бўлмоқда. 1980—1984 йилларда область комсомол қомитетининг ташаббуси билан ёш чорвадорлар мактаби ташкил этилди. Унда 500 га яқин комсомол-ёш, йигит-қизлар чорвадорлик касбини эгаллашди. Улар катта тантана билан ўз районларига, хўжаликларига кузатилди. Шу билан иш тамом, вассалом. Ёшларнинг кейинги тақдири нима бўлди? Улар ҳозир қаерда? Номаълум! Яқинда Оққўрғон, Бўстонлиқ, Бекобод, Ғалаба каби районларда бўлганимда ўша кезларда ёш чорвадорлар мактабини битириб келганлардан неча киши ишлаяпти, деган саволимга бир хил, хабаримиз йўқ, деган жавобни эшитдим.

КПСС XXVII съездида қишлоқ меҳнаткашлари учун иш шароитини яхшилаш, чорвадорларга меҳнат отпускаси бериш ҳақида алоҳида гапирилган эди. Хўш, бу борада аҳвол ўзгардими?! Жавоби ачинарли. Ҳамон иш эскича бораяпти. Раҳбарлар, мутахассисларнинг фикрича «сигирлар бир қўлга ўрганиб қолган эмиш, агар уларни бошқа биров соғса, сутини кескин камайтириб юборармиш». Буни қандай тушунмоқ керак. Сигирнинг сути камаймасин-у, одамлар дам олишмасин, шундайми?! Менимча, бу узоқни кўрмаслик. Қорамол ҳар қандай вазиятга тез кўникувчан бўлади. Боринг-ки, уни бошқа биров соғса сути бир кун, икки кун камайсин, сўнг бошқа қўлга ҳам ўрганади-ку!

Бундан икки йил муқаддам чорвадорларнинг слётида фермаларда икки сменали иш усулига ўтишга қарор қилинди. Ҳамма қўллаб-қувватлади. Ўша йилиёқ областимиздаги 104 хўжаликда бу усул тезда жорий этилди. Бундан соғувчилар қанчалик хурсанд бўлишганини кўрсангиз эди. Аммо кўп ўтмай «ғамхўр» раҳбарлар бундан воз кечишди. Нега денг, сигирлар маҳсулдорлиги пасайиб кетиб, планнинг бажарилиши хавф остида қолибди. Яна план, мажбуриятлар ташвиши. Улар бажарилсин-у, одамлар қийналаверсинлар.

Лекин баъзи хўжаликларнинг мард раҳбарлари ўз сўзларида туришди. Соғувчилар икки сменада ишлай бошладилар. Секин-аста ишлар жўнашиб кетди. Сигирлардан илгаригидек мўл ва серқаймоқ сут соғиб олина бошланди. Бу борада тажриба тўпланди. Масалан, Ғалаба районидаги Калинин номли совхозни олиб кўрайлик. Хўжаликда соғувчилар икки сменали ишга областда биринчилардан бўлиб ўтишди. Дастлаб қийинчиликлар бўлди, албатта, лекин бу муаммолар тадбиркорлик билан бартараф этилди. Ҳозир бу ерда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш планлари районда биринчилар қатори бажарилмоқда.

— Энг муҳими, одамларнинг кайфияти кўтарилиб кетди,— дейди совхоз директори Т. Искандаров.— Хўжалигимизда илгарилари соғувчилар етишмас эди. Ҳозир эса бизни ишга олинг, деб келувчилар кўп. Фермада ёшлар ҳам кўпаймоқда. Ҳозир улар алоҳида бригада бўлиб ишлашмоқда.

Демак, астойдил ҳаракат қилинса, истак-хоҳиш бўлса, одамларга қулай шароит яратиб, планни ҳам, мажбуриятни ҳам бажарса бўлади. Буни тажрибалар кўрсатиб турибди.

Маълумки, фермаларда меҳнат қилаётган кишиларнинг асосий қисмини аёллар ташкил этади. Жумладан, областимизда ҳозирги кунда жами 2811 соғувчи ишлаётган бўлса, уларнинг 2779 нафари хотин-қизлардир. Буни мутахассислар, раҳбарлар жуда яхши билишади. Ана шу аёллар тўғрисида, уларга ғамхўрлик қилиш ҳақида кўп гапирилади. Ҳақиқатан ҳам ҳозир қаерга борманг, уларга барча шарт-шароитларни яратиб қўйганмиз, дейишади. Тўғри, ферма ва комплексларда бир нав дам олиш хоналари, қизил бурчаклар мавжуд. Лекин ана шу масканлар меҳнаткашларнинг ҳақиқий дам олиш жойига айланганми?

Гап ана шунда. Мана шу савол билан Ғалаба районидаги Волков номли совхознинг тажрибали сут соғувчиси Екатерина Беляевага мурожаат қилдим.

— Очиғини айтганда, бу жойлар номига жиҳозлаб қўйилган бўлади, кўпинча уларни комиссиялар келганда очишади. Иккинчидан, соғувчи, молбоқарларнинг бу ерга кириб дам олишлари учун имконият ҳам, вақт ҳам йўқ. Ўзингиз ўйлаб кўринг, эрталаб соат 4.00—4.30 да фермага келамиз. Апил-тапил ишга киришамиз. 25—30 бош сигирни соғиб олгунимизча 8.00—9.00 бўлади. Сўнг маҳсулотни топширамиз. Бу пайтда ўй-фикримиз уйда бўлади, болалар мактабга кеч қолмадимикин, чой-пой ичишдимикин, ана шуларни ўйлаймиз. Кўп ўтмай пешинда соғинга келамиз. Сўнг кечкиси, хуллас, бир минут ҳам ортиқча вақт йўқ. Шундай бўлгач, дам олиш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин.

Мен худди шу саволни яна жуда кўп соғувчиларга бердим. Деярли барча чорвадорларнинг жавоби айнан шундай бўлди. Биласизми, уларнинг кўпчилиги баъзан ўз болаларини бир неча кунлаб фақат ухлаб ётганда кўрар эканлар. Ахир, қачонгача шундай ишлаш мумкин? Қолаверса, болаларнинг тарбияси нима бўлади? Бу ҳақда ўйлайдиган пайт келди!

Чорвачилик фермалари, қўйчилик отарларига маданий-маиший, медицина, савдо хизмати кўрсатиш ҳақида минг марталаб ёзилмоқда. Ҳар сафар қўйилган айблар тан олинади. Бу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан тадбирлар белгиланади. Кўп ўтмай ҳаммаси унутилади. Энг ачинарлиси, шундаки, етакчи партия, совет ходимларининг бу борадаги гапларини эшитишар экан, чорвадорлар «ҳаммаси қуруқ гап» деганча қўл силтаб қўядиган бўлишди.

Чорвадорларнинг махсус кийим-бош билан таъминлаш масаласи ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин....

Бу аҳволда чорвачиликни олға силжита оламизми? Йўқ, албатта. Ваҳоланки, фермаларда меҳнаткашларга шароит яратиш учун унчалик кўп маблағ ҳам керак эмас. Фақатгина истак, чинакам жонкуярлик, виждоний муносабат бўлса бас.

Чорвачилик бобида юқори кўрсаткичларга эришаётган хўжаликлар областимизда талайгина. Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми, Тошкент районидаги К. Маркс номли колхозда чорвадорларга яратилган шароитларни кўриб, ҳавас қиласиз. Бу хўжаликларнинг тажрибасини биз ҳозир барчага намуна қилиб кўрсатяпмиз. Ваҳоланки, бу намуна эмас, ҳаётий мезонга айланиши керак. Соғувчи меҳнати қадр топадиган вақт келди.

Шу ўринда машҳур олим, республикамизда чорвачилик жонкуяри Шавкат Акмалхоновнинг қуйидаги гапларини келтириб ўтиш жоиз бўлар, деб ўйлаймиз: «Яқинда қўлимга республикамиз нашриётларида чиқарилган кўп варақли календарь тушиб қолди. Унда раққоса қизларнинг суратлари туширилган. Шунда ўйлаб қолдим. Нега энди бу календарга илғор соғувчи қиз-жувонларнинг суратини тушириш мумкин эмас. Нима улар хунукми? Йўқ, ундай эмас. Мен сизга очиғини айтсам, эрталабдан кечгача мол, гўнг ичида юрган аёлга, унинг эрига, оиласига осон тутманг. Буни ҳар ким ҳам хоҳлайвермайди. Яна бир карра афсуски, биз ана шу фидокорларни унутиб қўямиз».

Ҳозир ҳамма соҳада қайта қуриш кетаяпти. Бунинг чорвачиликда ҳам амалга ошишини ҳамма интиқлик билан кутмоқда. Ўйлаймизки, хўжаликларнинг раҳбарлари, мутасадди ўртоқлар буни ҳисобга оладилар. Ахир эртага эришиладиган натижалар чорва аҳлининг бугунги кайфиятига боғлиқ... Қолаверса, соғувчиларнинг ҳам биз ва сиз қатори инсонлардек яшашга ҳаққи бор!.. Ҳа, ҳаққи бор!..

**Ф. МУҲИДДИНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

## ФЕРМАГА ДЎКОН КЕЛДИ

Соғувчилар эндигина юмушларини тугаллаган ҳам эдиларки, дарвоза олдига машина келиб тўхтади. Унинг пештоқига «Кўчма магазин» деб ёзиб қўйилганди. Сотувчи йигит бир зумда олиб келган молларини ёйиб ташлади. Савдо қизиб кетди...

Ҳаммага маълумки, айни кунларда чорвадорлар учун ғоят масъулиятли палла — қишлов давом этмоқда. Унинг самарали ўтиши ферма ходимларига кўрсатиладиган хизмат турларининг сифатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Чорвадорларга район матлубот жамияти томонидан кўрсатилаётган савдо хизмати ҳам ана шу мақсадга бўйсундирилгандир. Бу соҳада комплекс тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

— Колхоз ва совхозларда 38 та чорвачилик фермаси бор. Уларга савдо хизматини яхшилаш учун 2 та автолавка ажратганмиз, — дейди район матлубот жамияти раиси Т. Янгибоев.

Айни кунларда кўчма дўконлар ҳар куни йўлга чиқишяпти. Улар қатъий график асосида навбати билан фермаларда бўлишяпти. Калиш, ҳинд чойи, иссиқ кийим-кечак ва бошқа зарур турли ассортиментдаги моллар билан савдо уюштирмоқдалар. Айниқса, сотувчилар Раҳмон Сариев ва Маҳмуд Эргашевлар меҳнатидан барча мамнун. Январь ойида 5 минг сўмлик савдо хизмати кўрсатиш мўлжалланган эди. Кўчма дўкон ходимларининг ташаббуси туфайли бу кўрсаткич 15 минг сўмни ташкил этди.

**А. ҲАМЗАЕВ,**
**Бекобод райони, Ленин номли колхоз.**

# ЮТУҚЛАР ВА ТЎСИҚЛАР

КОЛХОЗИМИЗ деҳқонлари кейинги йилларда техникадан, ердан самарали фойдаланишга катта эътибор беришяпти. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш план ва мажбуриятлари ҳар йили ортиғи билан бажарилаяпти.

Ўтган 1987 хўжалик йилида ҳам кўрсаткичларимиз яхши бўлди. Баҳорнинг ҳаддан ташқари ёғин-сочинли бўлганлигига қарамай, колхозчиларимиз пахта тайёрлаш планини районда иккинчи бўлиб бажардилар.

Пудратга ўтиб ишлаётган 15 та пахтачилик бригадасида меҳнат тартиб-интизоми мустаҳкамланди. Қолаверса, ҳар кимнинг ўз меҳнатидан моддий манфаатдорлиги ошди. Ана шунинг натижасида ишлар изга тушиб олди. Энди одамларга олдингидек «сен уни қил, сен буни қил» дейишга ҳожат йўқ. Улар қачон дам олишлари, қачон ишга чиқишларини ўзлари яхши билишади.

Тўғри, ўтган йили қирлик майдонлардаги механизаторларимиз ўз иш ҳақларининг озлиги учун эътироз билдиришди. Колхоз правлениеси аъзолари билан бу масалани яхшилаб ўрганиб чиқдик. Ҳақиқатан ҳам уларнинг меҳнат шароитлари анча оғир. Нотекис ерда, қирда ишлов беришнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Шуларни ҳисобга олиб, уларга 1 гектар майдонга ишлов берганлиги учун 3 сўм ўрнига 4 сўмдан норматив иш ҳақи белгиланди. Бу йилдан бошлаб 40—45 гектар майдонга ишлов берадиган механизатор — тракторчи ойига 200—250 сўмдан иш ҳақи оладиган бўлди.

Маълумки, техника деҳқоннинг қаноти ҳисобланади. Чигитни бир кун, ҳатто, бир соат бўлса ҳам ерга олдинроқ қадаб олган деҳқонгина кузда хирмонни эртароқ уяди. Буни чуқур ҳис қилган колхозимиз механизаторлари техниканинг мавсумда бенуқсон ишлашини таъминлашга катта эътибор беришяпти. Бунинг учун улар аввало, ремонт пайтида ишни пухта қилишмоқда. Колхоз устахонасида экишда фойдаланиладиган техника ва механизмлар ҳам мавсумга тахт қилиб қўйилди. 30 та чигит экадиган сеялка, 20 та ҳайдов трактори, 24 та транспорт трактори, 13 та планировшчик, 16 комплект ва 2 та дискали борона тайёрлик чизиғида турибди.

Бироқ, ишимизга тўғаноқ бўлаётган муаммолар ҳам талайгина. Шулардан бири техника учун запас қисмларнинг етишмаслиги. Алам қилади. Арзимас қисмнинг йўқлиги туфайли тележкани район ремонт ишлаб чиқариш бирлашмасига ремонтга юборамиз. Улар эса наридан-бери қўл учида созлаб берган тележканинг ҳар бирига 290 сўмлик ремонт ҳақи — накладнойи ёзишади. Биз ҳисоблаб чиқдик. Агар тележка ўзимизнинг колхоз устахонасида созланса, бор-йўғи 12 сўм сарфланар экан. Оддийгина беда ўрадиган «КИР-1,5» агрегатини олиб кўрайлик. Унинг давлат баҳоси 450 сўм туради. Ўроқларини алмаштириб, бўяб беришгани учун Оржоникидзе район ремонт ишлаб чиқариш бирлашмасидагилар колхоздан 750 сўм талаб қилишди. Бир томондан бу манзара кулгили туюлади. 750 сўмга яна озгина қўшиб, бундай агрегатнинг иккитасини сотиб олиш мумкин! Аммо, бунинг учун РАПОдагилар рухсат беришмайди.

### ПАХТАКОРНИНГ ЭКИШОЛДИ МУЛОҲАЗАЛАРИ

Ҳозир мамлакатимизда қайта қуриш, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва тўла хўжалик ҳисобига ўтишга тайёргарлик кетаётган бир пайтда беҳуда совурилаётган маблағлар ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўришга тўғри келади. Аввало, район территориясида жойлашган ремонт ишлаб чиқариш бирлашмасини РАПОга бириктириб қўйиш керак. Ҳозир эса улар ўзларига берилган планни бажариш учун сифатга эътибор қилмайдилар. Натижада, қисталанг паллада техникалар деҳқонга панд беряпти.

Колхозимиз устахонасида унумли меҳнат қилиш учун шароитлар бор. Ремонт цехларида асбоб-ускуналар етарли. Аммо, юқорида айтиб ўтганимиздек, запас қисмлар масаласининг ҳал бўлмаётганлиги ишимиз ривожига тўсиқ бўляпти.

Ҳозир пахта териш машиналари ремонтини бошладик. Энди ҳар йилгидек, агрегатларни Бўкадаги «Сельхозтехника»га созлашга юбормасдан ўзимизда ремонт қилаяпмиз. Бунинг учун колхознинг тажрибали механизаторларидан иборат беш кишилик бригада туздик. Улар териш аппаратларини обдон созлашади, ишдан чиққан шпинделларни алмаштиришмоқда. Асосийси, аввалгидек битта машина ремонтига 1450 сўм эмас, хўжалигимиз устахонасида 148 сўм сарфлаяпмиз, холос.

Бу йилги янги мавсум деҳқонларимиз учун жуда масъулиятли бўлиши табиий. Сабаби, 1265 гектар майдондаги пахта, 100 гектар маккажўхори ва 200 гектарга экиладиган дон экинларининг ҳаммаси уруғлик учун етиштирилади. Мутахассислар ҳозир деҳқонлар билан суҳбатлар уюштириб, экишни оби-тобида ўтказиш, чигитни ернинг намига ундириб олиш тадбирларини белгилашмоқда.

Колхозчиларимиз ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилини муносиб якунлаш мақсадида пухта тайёргарлик кўришмоқда. Одамларимизнинг кайфияти баланд. Улар ўтган йилги сув тошқини пайтида катта ёрдам бериб, ўз бағирларига олган қўшни хўжаликлар, шаҳарлар аҳолисининг ҳимматига жавобан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштиришга аҳду-паймон қилишган.

Колхозимиз қишлоқлари йилдан йилга ободонлашиб, кўркамлашиб бормоқда. Хўжалик банкида 700 минг сўмдан зиёд пул бор. Бу маблағнинг бир қисми колхозчиларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилашга сарфланмоқда. Эртаиндин колхоз марказида янги ҳаммом қуриб битказилади. Маиший хизмат уйлари, қариялар учун оромгоҳ — чойхона ишлаб турибди. Бу мисолларни келтиришимиздан мақсад хўжалигимиз меҳнаткашларининг унумли ишлаб, яхши дам олаётганликларини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Инсон омилини кучайтиришга бўлган эътибор туфайли кишилар астойдил ва самарали ишлаяптилар.

**Р. СОИПОВ,**
**Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг раиси.**

**И. ҒУЛОМОВ,**
**колхоз бош инженери.**

## «ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ»

# ТИНЧЛИК ВА БАХТ-САОДАТ ЭГИЗАКДИР

### Халқаро обзор

Бу хабарни Англия аёллари уч йилдан бери орзиқиб кутишаётган эди. Ниҳоят, 8 Март арафасида орзулари ушалди. Рединг шаҳрининг қироллик суди мудофаа министрининг фармойиши бекор қилинганлигини тан олди. Бу фармойишга кўра, АҚШ қанотли ракеталарининг Гринэм-Коммондаги базаси яқинидаги «тинчлик лагери» қатнашчилари бўлган минг-минглаб аёллар ўша кезлари қамалган ёки жарима тўлашга мажбур бўлишган эди. Британиянинг урушга қарши ҳаракат активлари, шундай қилиб, катта ғалабага эришдилар. Маҳаллий қози-калонлар, расман, инсоннинг бу ёруғ дунёда яшашидек асосий ҳуқуқини ҳимоя қилмай, 1892 йилда қабул этилган ва ҳозир хотирадан чиқиб кетай деб қолган қонунга киритилган тузатишни дастак қилиб олганликлари бу ғалабанинг обрўсига путур етказмайди, бу тузатишга кўра ана шу территорияга мамлакат фуқаролари бемалол киришлари мумкин экан. Майли, шундай бўла қолсин ҳам дейлик. Гап иборанинг «замзамаси»да эмас, балки моҳиятидадир. Қанотли қирғин қуролининг мардонавор душманлари бўлган аёллардан полициянинг ўч олиши қонунга сиғмайди, деб эълон қилинди. Ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида тузилган Шартнома суд маъмурларига ҳаммадан кўпроқ таъсир этди, деб ўйлаш керак бўлади. Бошларида полиция таёқлари ўйнаётганида ҳам ҳақ йўлдан қайтмаган аёлларнинг кураши адолатли бўлганлигини ана шу Шартнома бошқа ҳамма ҳужжатлардан кўра аълороқ бир тарзда тасдиқлади.

Аёллар инсониятнинг ҳаётбахш томирларидир. Аммо сўнгги йилларда одамзод боқийлиги негизининг ярим палласи бўлган хотин-қизлар Ер юзидаги барча жонзод бошидаги хатарни ҳар қачонгидан кўра ҳам аниқ сезиб ва шоир айтганидек, «аскарликка бола туғиб беришдан чарчаб», ана шу хавф-хатарга қарши чиқдилар. Гринэм-Коммондаги ғалаба Вашингтондаги ақл-идрок ғалабасининг мантиқий давомидир. Биз бу ғалабани, аввало, икки энг йирик ядродор давлатларнинг сиёсатчилари қўлга киритишган, деб ҳисоблаймиз, албатта. Аммо музокараларнинг муваффақиятли бўлишига ёрдам бериш учун дунёдаги 25 мамлакатдан Америка пойтахтига келган тараққийпарвар миллий ва халқаро хотин-қизлар ташкилотлари вакилларини ҳам ёдга олайлик. Бутун Ер юзи аҳли назарида бўлганидек, улар учун ҳам тинчлик ва бахт-саодат эгизакдир.

Она учун фарзандининг ўлимидан ҳам катта кулфат борми? Шу боисдан ҳам уруш — аёл учун энг оғир мусибатдир. Афғонистондаги вазиятни тезроқ бартараф этиш ва қўшинларимизни уйларига жўнатиш ҳақидаги хабарни оналар қувонч билан кутиб олдилар! Оламдаги қирғинбарот урушлар ўчоғи биттага камаяётганлигини эшитиш Ер юзидаги барча оналар учун қувончлидир.

Шу кунларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳида хотин-қизларни камситишга барҳам бериш комитетининг сессияси бўлмоқда. Бу анжуман иштирокчилари БМТнинг худди шу номдаги конвенцияси бажарилишининг йўл ва воситаларини муҳокама қилмоқдалар. Бу масала—долзарб масаладир, чунки ҳамма ерда ҳам аёлларнинг ҳуқуқлари амалда рўёбга чиқаётгани йўқ. 1979 йилда қабул қилинган бу ҳужжат сиёсий, иқтисодий, социал ва маданий соҳаларда тенг ҳуқуқлиликни таъминлашга, аёллар билан эркакларнинг амалдаги тенглигини таъминлаш учун тадбирлар кўришга даъват этади. Ҳозиргача конвенцияни 94 давлат ратификация қилди. Бу ҳужжатни ратификация қилмаган давлатлар орасида Америка Қўшма Штатлари ҳам бор.

Бир вақтлар Америка ташвиқоти АҚШ аёлларининг эркаклар билан биргаликда қуролли кучларда хизмат қилиш ҳуқуқини оламга жар солиб мақтаган эди. Пентагоннинг оғиз кўпиртириб обдон тарғиб этишига қарамай, армияда хизмат қилаётган хотин-қизлар кўп эмас. Америка аёлларига тинч ишлар тобора кўпроқ маъқул тушмоқда. Бу борада уларнинг аҳволи у қадар дуруст эмас. Статистиканинг гувоҳлик беришича, коллежни битириб чиққан аёл ўрта маълумот ҳақида аттестатга ҳам эга бўлмаган эркакка нисбатан камроқ ҳақ олмоқда. Оналикни ҳимоя қилиш тўғрисида умуммиллий қонун йўқ. Жаҳондаги 120 мамлакат аёлларга ҳомиладорлик вақтида ва чақалоққа қараш учун отпуска бермоқда, Қўшма Штатлар ана шу 120 мамлакат қаторига кирмайди. Ҳозир конгресс аъзолари ёш оналарнинг иш жойи 18 ҳафта мобайнида сақлаб қолинишига кафолат бериш-бермаслик масаласини муҳокама қилмоқдалар. Аммо ҳатто бир ҳафтага бўлса-да, ҳақ тўлаш ҳақида гап бораётгани йўқ. 1972 йилда конгресс эркаклар ва аёлларнинг тенглиги ҳақида конституцияга тузатиш қабул қилган эди, лекин бу тузатиш амал қилаётгани йўқ.

Иккинчи капиталистик давлат — Япония эса етти йиллик ҳархашадан кейин 1986 йилда БМТ конвенциясини ратификация қилди. Бундан икки йил муқаддам ишга қабул қилишда аёллар ва эркакларнинг тенг имкониятлари ҳақида қонун қабул этилди. Эндиликда япон аёллари «ўзини-ўзи мудофаа этиш кучлари»да ҳам хизмат қилишлари мумкин, — Японияда армиянинг номини шунақа деб аташади. Хўш, тинч меҳнат бобида аҳвол қалай? Бу борада тенглик борликка бор-у, аммо аёл ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмайди. Агар илгари «заифалар» асосан вақтинча ишга киришга умид боғлаган бўлсалар (шу боисдан ҳам иш ҳақи кам), эндиликда аёлларга эркаклар билан бир қаторда катта лавозимларни ҳам таклиф этмоқдалар. Тўғри, бунинг учун улар, худди эркаклардек ишлаб, маъмуриятнинг талаби билан бошқа меҳнат қилишга, узоқ муддатли командировкаларга чиқишга рози бўлишлари керак...

**Владимир САПРОНОВ.**
**(ТАСС).**

# СЎНГГИ СОАТДА

**БОНН.** Ғарбий Германиянинг Констанца шаҳрида (Баден Вюртемберг ўлкаси) Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо 12 мамлакат ташқи ишлар министрларининг «Европада сиёсий ҳамкорлик» доирасида ўтказилган норасмий икки кунлик учрашуви ниҳоясига етди. ДПА агентлигининг ёзишича, министрлар Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабат истиқболларини муҳокама қилдилар. Шу муносабат билан улар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашида қатнашувчи давлатлар вакилларининг Венада давом этаётган учрашувига катта эътибор бердилар. Учрашувда Европада хавфсизликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилиши айтилди. Министрларнинг фикрича, Венадаги учрашув Европада оддий қурол-яроғлар ва қуролли кучларни камайтириш тўғрисида аҳдлашувга эришиш учун кенг имкониятлар яратиб беради. Инсон ҳуқуқларига риоя этиш масалалари қуролсизланишга доир аҳдлашувларга эришиш учун ғов бўлиб хизмат қилмаслиги кераклиги ҳам таъкидланди.

Йиғилиш аҳли Европа ҳамжамияти экономика, маданият соҳасидаги, гуманитар соҳадаги кўпдан-кўп масалаларда Шарқ билан ҳамкорлик қилишга интилишини айтди.

**ВАШИНГТОН.** Форс кўрфазининг марказий қисмида нефть платформаси ва бир неча катердан Американинг икки ҳарбий вертолёти ўққа тутилди. Бу воқеа якшанба куни маҳаллий вақт билан тунги соат 1 дан 30 минут ўтганида ёки Вашингтон вақти билан субҳидамда рўй берди, деди Пентагоннинг расмий вакили.

У ТАСС мухбири билан телефон орқали қилган суҳбатида бу воқеа Форс кўрфазида кейинги икки кун ичида рўй берган иккинчи ҳодиса эканлигини айтди. Биринчи ҳодиса жума куни маҳаллий вақт билан ярим тунда ёки Вашингтон вақти билан субҳидамда рўй бериб, ўшанда АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг ракета кемаси «Жон Мор» сув устида ўзига тез яқинлашиб келаётган нишонларни пайқаб қолган ва радио орқали огоҳлантирилиб, осмонга икки марта ўқ узилган. Шундан кейин ҳам нишонлар кемага яқинлашиб келаверган.

**(ТАСС, 7 март).**

## ТРИПОЛИДА САВДО-САНОАТ ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

ТРИПОЛИ. (ТАСС мухбири В. Анчиков хабар беради): Ливия пойтахтининг кўргазмалар комплекси узра 25 мамлакат байроғи ҳилпиради. Бу ерда халқаро Триполи савдо-саноат ярмаркаси 23-марта очилди. Ливия ва чет элларнинг бир неча юз фирмалари, компаниялари ва бирлашмалари ярмаркада қатнашиш истагини билдирди.

Совет Иттифоқи — Триполидаги халқаро ярмарканинг анъанавий қатнашчисидир. 14 Бутуниттифоқ ташқи савдо бирлашмаси ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда, шуларнинг бир қисми — «Разноэкспорт», «Автоэкспорт», «Цветметпром» ва бошқалар маҳсулоти Ливияда яхши маълум.

Экспонатлар орасида парма асбоблар, қишлоқ хўжалик техникаси, электротехника машина-ускуналари, «Лада» автомобилининг янги моделлари бор. Совет павильонининг алоҳида бир бўлими Озарбайжон ССР эришган ютуқлар тўғрисида ҳикоя қилади. Бу ердаги шинам чойхона виставкага келувчиларни хушбўй чойи, қанду новвотлари билан ўзига жалб қилмоқда. Улар бу ерда мириқиб хордиқ чиқармоқдалар.

## «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ХАТЛАР НАЗОРАТИДА

# ТЕКШИРИШЛАР, НАТИЖАЛАР, ЧОРАЛАР

**Саломатлигим ёмонлашиб, ишга ярамай қолдим. Врачларга мурожаат қилсам мени инвалидга чиқаришмаяпти.**

**А. ЭШБОЕВ,**
**Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхози.**

Область врачлик техник экспертиза комиссияси томонидан А. Эшбоевнинг саломатлиги кўрикдан ўтказилганда унинг ўн икки бармоқли ичагида яра борлиги аниқланди. Бу эса инвалидлик группасига ўтказиш учун асос бўлолмайди. А. Эшбоевга саломатлигини мустаҳкамлаш учун ўзи яшаб турган жойдаги медицина шифохонасига мурожаат этиш тавсия этилди. Лозим бўлса уни даволаётган шифохона врачлик техник экспертиза комиссиясига йўлланма беради.

Редакцияга ана шулар тўғрисида область социал таъминот бўлими мудирининг ўринбосари В. Арутюнян хабар қилди.

●

**Қўшнимиз А. Губанов уйида самогон тайёрлаб ҳар литрини 5 сўмдан сотяпти. Натижада кўпинча жанжал кўтарилиб, тинчлигимиз бузиляпти.**

**Н. МАМАТҚУЛОВ,**
**Охунбобоев номли колхознинг Карл Маркс участкаси.**

Оққўрғон район ички ишлар бўлимидан олинган жавоб хатида юқоридаги хат бўйича текшириш ўтказилганлиги хабар қилинади. Хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланган. А. Губанов ва унинг хотини О. Махинько маъмурий йўл билан жазоланганлар. А. Губановга уйида спиртли ичимлик тайёрлагани учун ички ишлар бўлими томонидан қонунга кўра жарима солинган. Унинг хотини О. Махинько майда безорилик қилгани учун район халқ судининг қарори билан жавобгарликка тортилган. Бундан ташқари уларнинг иккови ишлайдиган иш жойларида муҳокама қилиниб, белгиланган тартибни бузганликлари учун жиддий огоҳлантирилган.

